

## Канадада исломофобияга қарши кураш учун 300 минг доллар ажратилди



13:40 / 22.02.2019 1555

Хабарга қараганда, Канадада фаолият кўрсатувчи Алберта мусулмон жамоатчилиги билан алоқалар кенгаши (AMPAC) ва Кичнер-Ватерло мусулмон аёллар уюшмаси (CMW-KW) исломофобияга қарши ҳамкорликда кураш олиб бормоқдалар. Бу икки уюшма шу мақсад йўлида Канаданинг Торонто вилояти, Онтарио шаҳрида жойлашган Inspirit Foundation хайрия жамғармаси томонидан 150 минг доллардан ёрдам пули олган, деб хабар беради IQNA.

Алберта мусулмон жамоатчилиги билан алоқалар кенгаши турли ўқув семинарлари ташкил этиш орқали исломофобиянинг салбий оқибатларини кенг жамоатчиликка тушунтириш ишларини олиб боради. Шу тариқа мусулмон ва бошқа жамоалар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Кичнер-Ватерло мусулмон аёллар уюшмаси эса Квебекда 50 та мусулмон аёл иштирокида қонун лойиҳаси устида иш бошлаганлар. Турли этник гуруҳлар ва ҳар хил ёшдаги мусулмон аёллардан иборат ушбу муассаса мусулмон ва мусулмон бўлмаган жамоалар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, минтақадаги мусулмон аёллар фаоллигини ошириш йўлида

фаолият олиб борадилар. Ушбу лойиҳа аҳолини исломофобиядан кенгроқ хабардор этилишига катта ёрдам бериши назарда тутилган.

***Islom.uz* портали таҳририяти**